

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТАБОБАТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.

Махамадходжаева Мухаббат Абдусатаровна

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети

Аннотация: Ушбу мақола Ўрта Осиёлик буюк аллома Абу Али Ибн Синонинг тиббиётнинг замири бўлган табобатнинг ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг оламшумул асарлари ҳақида сўз боради. Ушбу оламшумул асарларни яратишда тиб соҳасида ўз замонасида ёзилган илмий китоблардаги маълумотларни жамлаб уларни таснифлаб толиблар учун қулай этиб ёзилган асарлари ҳақида гапирилади.

Калит сўзлар: анъанавий, илмий асар, метафизика, комусий олим, маънавий мерос.

КИРИШ

Тарихга назар ташласакб аجدодларимиз бизга улкан маънавий мерос қолганки. улар бугун ҳам бекиес қадир қимматга эга. Жаҳон фани тараккиетига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк алломалардан бири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино Милодий 980 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди. У асосий билмларини Сомонийлар пойтахти (X аср) сиёсий ва маданий ҳаётнинг маркази бўлган Бухоро шаҳрида олди. XI асрнинг бошларида Қорахонийлар томонидан Бухоро босиб олинган Ибн Сино Хоразм давлатининг маркази Урганчга кўчиб ўтди. Кейинчалик Урганчда ҳам сиёсий аҳвол ўзгариб, шаҳар Махмуд Ғазнавий томонидан ишғол қилинди. Бобомиз бу ердан ҳам кетишга мажбур бўлдилар. Умриларининг сўнгги йилларини Эроннинг Исфаҳон, Рай, Хамадон шаҳарларида ўтказдилар. [1]

Ибн Сино ҳақиқий энциклопедист олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шуғилланган ва уларга оид илмий асарлар ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, замонлар оша бизларгача 242 таси етиб келган.

Уларнинг айримлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган бўлиб, асрлар давомида қайта-қайта нашр этиб келинаётган бўлса, кўплари хали турли кутибхоналарда қўлёзма ҳолида ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Хар бир илмий ҳаракатни ривожлантиришда, илм толибларга етказишда ва ўша илмий ҳаракат самарасини келажак авлодларга қолдириб кетишда китоблар муҳим ўрин тутди. Мусулмон олимлари тиб соҳасида улкан инқилоб қилиб тибни ҳақиқий илмга айлантириб, уни тартибга солишган. Улар ўзларидан аввал ўтган олимларни китобларини урганиб чиқиб қониқарли нарса топмаганларидан кейин ўзлари ажойиб китобларни ёзишга киришганлар. Бунинг натижасида тиб соҳасида-унинг барча тармоқларида юқори савиядаги қомусий китоблар битилди.

Бу китоблар талабга жавоб берганлигидан европаликлар – ўзларининг ғафлат уйқусидан уйғонганларида бу китоблар битилганига бир неча юз йиллар бўлган бўлса ҳам улар бу китобларга маҳкам ёпишдилар ва ўзларига асосий қўлланма қилиб олдилар.

Бу борада улуғ ватандошимиз, бутун олимларнинг фахри, шайхурраис Ибн Сино биринчилар қаторида туради. Бутун Ғарбнинг тиббий саводи Ибн Сино бобомизнинг китоблари орқали чиққан десак муболаға бўлмайди.

Ғарбликлар тиб соҳасида бирон-бир муваффақиятга эришсалар, бунинг учун Ибн Сино бобомизнинг олдиларида қарздор эканликларини биладилар. Тибда пешқадам бўлганларни “Авицена” дейишлари ҳаммага маълум. Уларнинг ўзлари эътироф этишларича Ибн Сино бобомиз уларга 700 йил давомида устозлик қилганлар. Бобомизнинг фалсафа ва тибга оид асарлари инглиз, рус, француз, немис, турк, ўзбек, хинд, араб ва бошқа тилларга таржима этилиб, асрлар давомида қайта-қайта нашр қилиб келинган.

Маълумотларга кўра Ибн Сино асарларини нашр этилиши илк китоб босиш техникаси пайдо бўлганидан бошлаб, ҳозиргача давом этиб келмоқда. Жумладан унинг машҳур “Тиб қонунлари” китоби дастлаб XII асрда лотин тилига таржима қилинган. [5]

Ибн Синонинг илмий мероси тиббий, ижтимоий-фалсафий, сиёсий-хукукий, педагогик, психологик, математик, геологик, ботаник, физик ва кимё нуқтаи назаридан жаҳон олимлари томонидан чуқур ўрганилиб, кўплаб илмий тадқиқотлар учун объект вазифасини бажарди, докторлик диссертациялари қилинди, мақола ва библиографик китоблар нашр қилинди. Фанларнинг қайси соҳасида Ибн Синонинг асарларига доир илмий ишлар олиб борилган бўлса, шу нуқтаи назардан тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Гарчи, Ибн Синони Ғарбда “Авицена” деб машҳур қилган “Тиб қонунлари” бўлсада, “Шайх ур-раис” номи унинг файласуфлигига ишорадир.

“Тиб қонунлари” китоби илк бор Европада 1473 йили феврал ойида Миланда чоп этилди. 1500 йилга келиб бу китоб европада 16 мартда чоп этилди. Кейинги асрда 20 мартда чоп қилинди. Шундай қилиб нашрлар кетма-кетлиги 17 асрнинг ярмигача узлуксиз давом этди.

Бу китоб дунёда энг кўп ўқилган китоб бўлиб қолди. Машҳур алломаларни етишиб чиқиши учун етарли муҳит бўлиши шартлиги, уларга таълим берадиган устозлар бўлиши шартлиги, улар ўқиб ўрганадиган илмий китобларнинг мавжуд бўлиши ва улар мусобақалашадиган шерикларнинг бўлиши кераклигини биз биламиз. Ибн Сино бобомиз ҳам шундай муҳитда етишиб чиқдилар.

Тиб соҳасида ёзилган асарлар ҳақида сўз юрита туриб, яна Зигрид Хунке хонимнинг “Оллоҳнинг қуёши – Европани ёритур” китобидан қуйидагиларни ўқиймиз: “Олти юз йил илгари Парижнинг тиб факультети дунёдаги энг кичик кутубхонага эга эди. Унда биргина китоб бор эди.

Бу китоб улкан қийматга эга эди.

Бу китоб бизнинг Бобокалонимиз ёзган китоб эди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ўзбек халқининг анъанавий маънавиятига улкан ҳисса қўшган Абу Али Ибн Синонинг бой ва серқирра мероси кўп асрлардан бери дунё олимларини жалб этиб келмоқда. Унинг тиб қонунлари китоби бутун дунёдаги

тиббиётнинг ривожига ва унинг тармоқларини ривожланишига таъмал тоши бўлиб хизмат қилди. Унинг барча қилган илмий изланишлари ҳозиргача бутун инсониятни хайратга солиб келмоқда.

Абу Али Ибн Сино бобомиз яшаб ўтган даврдан минг йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам илм-фан соҳасида катта кўламли ўзгаришлар рўй берган бўлса ҳам, инсоният ҳозиргача бу буюк бобокалонимизнинг ғояларига ва изланишларига мурожат қиламиз. Чунки улар замонлар таъсир этмайдиган ва ўткинча бўлмайдиган ҳозирги ва келажак авлод учун ҳеч қачон қадр қимматини ёқотмайдиган илмий асарлардир.

Адабиётлар:

Абдусодиқ Ирисов., Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент, 1980.
Азиз Қаюмов., Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. Тошкент, 1987.

Ирисов А., Абу Али ибн Сино Тошкент, 1980.

Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига, тўплам, Тошкент, 1980.

Кадиров А. А., Саипов У. Т. Великие ученые-медики средневековья. Ташкент, 1988.

Болтаев М. Н., Абу Али ибн Сина великий мыслитель, учёный-энциклопедист средневекового Востока. Москва, 2002.

Смирнова Ракитина В., Авиценна. Жизнь замечательных людей. Москва, 1958.

Завадовский Ю. Н., Абу Али ибн Сина, Душанбе, 1980.

Нуралиев Ю., Медицина эпохи Авиценны, Душанбе, 1981.